



МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли,

Тошкент молия институти "Аудит" кафедраси в.б.доценти, PhD Тошкент,

Ўзбекистон. Email: ochilovfarhod094@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2945-5968

DIRECTIONS FOR THE APPLICATION OF ANALYTICAL PROCEDURES IN AUDITING OF LIABILITIES

Ochilov Farxodjon Shavkatjon ugli

PhD, Associate professor of "Audit" department, Tashkent Financial Institute, Tashkent,

Uzbekistan. Email: ochilovfarhod094@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2945-5968

JEL Classification: M4, M42

Аннотация. Мазкур мақолада аудиторлик текшируви вақтида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатларни аниqlashi ҳамда аудиторлик далилларини олишида таҳлилий амалларни қўллаши бўйича аудиторнинг хатти-ҳаракатлари кетма-кетлиги ёритиб берилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишида мажбуриятларни тўғри таснифлаш, уларни баҳолаш, тан олиши ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини текшириш ва аниqlashi долзарб масала ҳисобланади.

Abstract. This article describes the sequence of the auditor's actions to determine the relationship between the financial, economic and other indicators of economic entities during the audit and to apply analytical procedures to obtain audit evidence. Also, correct classification of obligations, their evaluation, recognition, and verification and determination of the reliability of financial statements are an urgent issue when making management decisions by economic entities.

Калим сўзлар. молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик далиллар, таҳлилий амаллар, мажбуриятлар аудити,

фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги фараз, аудиторлик риски, тўлов қобилияти, рентабеллик.

Key words. financial statement audit, audit evidence, analytical procedures, audit of liabilities, going concern, audit risk, solvency, profitability.

Кириш. Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан тайёрланади ҳамда уларнинг ишончлилиги аудиторлар томонидан тасдиқланади ва молиявий ҳисобот асосида оқилона иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларга маълумот бериш учун мўлжалланади. Аудиторлик текширувини ўтказаётган ташки аудиторнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботи хато ёки фирибгарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи жиҳдий бузиб кўрсатишлардан холи эканлигини аниqlаш учун етарли даражада далилларни тўплаш ва кейинчалик ушбу молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги бўйича фикр билдириш ҳисобланади. Молиявий ҳисботнинг ишончлилигини таъминлаш ҳамда аудиторларнинг фикрларини аниқлигини оширишда



аудиторлик даилларини олишда таҳлилий амалларни қўллаш мухим аҳамиятга эгадир. Таҳлилий амаллар аудиторлик текшируви жараёнида асосий мақсадларга эришишда мухим аудит амалидир [1]. Аудиторлик текшируvida таҳлилий амалларни қўллашда юқори даражада самарадорликка эришиш натижасида аудиторларга рақобат шароитида устунликка эришиш ва жавобгарлик рискини камайтириш имконини беради. Бироқ, аудит хизматлари бозорида рақобат кенгайиб бормоқда ва аудиторлар учун таҳлилий амалларни самарали даражада қўллаш янада қийинлашмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига автоматлаштирилган иқтисодий жараёнлар жорий этилмоқда ва бугунги тадбиркорлик мұхитида рақобатбардошликтин ошириш учун илғор тизим ва таҳлил воситаларидан фойдаланишга интилмоқда. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар қарор қабул қилиш учун фойдали маълумотларни шакллантиришга йирик маълумотлар базаси ва суный интеллектни ўз ичига олган илғор таҳлил ёндашувларини қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Молиявий ҳисботлардаги турли четланиш ва тафовутларни аниқлаш, уларнинг умумий таркибини тушуниш ва хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини башорат қилиш қобилияти текширилувчи субъектлар ва аудиторлар ўртасида чукур номутаносибликтини келтириб чиқарди, чунки аудиторлар ўз мижозлари каби илғор таҳлил воситаларига эътибор қаратишмаган [2].

Материал ва метод. Аудит жараёнида таҳлилий амаллардан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш

билан чамбарчас боғлиқ. «Таҳлил» атамаси кенг маънода бутунни таркибий қисмларга бўлиш ва уларни ҳар хил боғлиқликда ўрганишга асосланган объектлар ва ҳодисаларни билиш усулини англаатади [3].

Таҳлилий амалларнинг табиати, шунингдек уларни аудитда қўллаш имконияти ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ўртасида муайян алоқадорликка боғлиқdir. Бунда таҳлилий амаллар батафсил тестлардан фарқ қиласди, унда кўрсаткичларни бир-бири билан ўзаро боғламасдан, фақат аниқ маълумотларни таҳлил қилиш амалга оширилади. Бунинг учун текширилаётган субъект фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаш, турли таҳлил технологияларидан фойдаланиш ва мантиқий хуласалар чиқариш талаб этилади. Ўз навбатида, таҳлилий амаллар, албатта, батафсил текширишларнинг аҳамиятини камайтирмасдан, аудиторлик далилларини олиш жараёнини такомиллаштириш ва оптималлаштириш имконини беради.

Илмий адабиётларда мажбуриятлар аудитининг ягона методологияси белгиланмаган. Т.Ю. Дружиловскаянинг фикрича, мажбуриятлар қуйидаги тартибда текширилиши керак:

- «молиявий ҳисботлар учун мухимлик чегарасини аниқлаш;
- молиявий ҳисботда айнан қандай суммалар акс эттирилганлигини ошкор қилиш ва улар натижасида юзага келган дастлабки хужжатлар ва шартномаларни ўрганиш;
- даромад олиш бўйича хужжатларнинг умумий сони ва олинган аванслар микдори асосида намуна олиш;
- сўровнома ўтказиш орқали

текшириш ва контрагентларнинг мавжудлиги ҳамда баланс моддалари қолдигини тасдиқлаш;

• қайта текшириш амаллари ёрдамида, операциялар натижасини ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш заруратини аниклаш» [4].

Аудиторлик текшируvida таҳлилий амалларни қўллаш халқaro аудит стандартларига асосан олиб борилади. Жумладан, “Таҳлилий амаллар” номли 520-сон аудитнинг халқaro стандарти жаҳон аудит амалиётида нуфузли стандартлардан бири ҳисобланади. Мазкур стандартга мувофиқ таҳлилий амаллар қўлланилганда молиявий ҳамда номолиявий маълумотларнинг бирбирига мутаносиблиги таҳлил қилинади ҳамда баҳоланади. Шунингдек, юқорида зикр этилган маълумотларнинг молиявий ҳисоботларга таъсир ва кутилган қийматлардан сезиларли даражадаги фарқланишлар аудитор томонидан синчилаб ўрганилади. “Таҳлилий амаллар” номли 520-сон АХС аудиторлик текшируvinинг барча босқичларида таҳлилий амалларни қўллашни талаб қилади [5]. Шунингдек, молиявий ҳисбот аудитида фирибгарликни кўриб чиқиш ҳамда аудитни режалаштириш босқичида рискларни баҳолашда ҳам таҳлилий амаллардан фойдаланиш тавсия қилинган. У молиявий ҳисботлар ва тасдиқлар даражасида хатолик ёки фирибгарлик туфайли жиддий бузиб кўрсатишлар рискини баҳолаш ва аниклаш учун аудиторлардан хўжалик юритувчи субъект ва унинг ички назорат мухити ҳақида тушунчага эга бўлишини талаб қилади. Аудиторлик текшируvini дастлабки режалаштириш ҳамда умумий режасини тузиш вақтида таҳлилий амалларни қўллаш молиявий ҳисботлардаги муҳим бузиб

кўрсатишлар рискининг пасайишига ҳамда аудиторлик текшируvi сифатининг янада ошишига хизмат қиласdi.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботларини аудиторлик текшируvidan ўтказища унинг фаолият тuri ҳамда назорат мухитини, шунингдек, текширилаётган даврда содир бўлган операциялар ва ҳодисаларни тушуниш учун таҳлилий амаллар бажарилади.

Режалаштириш босқичида таҳлилий амаллар хато ёки фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлар рискини баҳолаш ва кейинчалик моҳиятига кўра аудит амалларининг табиати, муддати ва ҳажмини ишлаб чиқиш учун муҳим восита сифатида хизмат қиласdi. Моҳиятига кўра текшириш жараёнида таҳлилий амаллар мустақил равища қўлланилиши тестлашга қараганда самаралироқ бўлса, аудит тасдиқлари тўғрисида далилларни тўплаш жараёнида таҳлилий амаллар қўлланилиши мумкин. Якуний босқичда молиявий ҳисботнинг ишончлилигини ҳар томонлама баҳолаш, қоидабузарликлар ёки муҳим бўлган хатолар мавжуд эмаслиги ва тегишли аудиторлик хулосасини шакллантириш учун таҳлилий амаллар қўлланилади.

Аудиторлик текшируvida таҳлилий амалларни қўллашнинг асосий шарти шундан иборатки, молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлишидир, акс ҳолда эса қўлланилаётган амалларни давом эттириш лозим бўлади.

Аудиторлик текшируvinинг якуний босқичида молиявий ҳисботда муҳим бузиб кўрсатишлар ёки бошқа молиявий муаммоли жиҳатлар мавжудлигини аниклаш учун таҳлилий амаллар қўлланилади. Аудитнинг якуний босқичида ва молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг



хулосаларини шакллантиришда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг йўналишларидан бири фаолият узлуксизлигини баҳолашдан иборат бўлиб, унинг зарурати “Фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фараз” номли 570-сон аудитнинг халқаро стандартида ёритиб берилган.

Фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фараз молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг асосий принципидир. Ушбу принципга асосан, корхона ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 12 ойи давомида фаолиятини давом эттиради ва уни тугатиш, фаолиятини тўхтатиш нияти ёки эҳтиёжи йўқ, деб фараз қилинади. Ушбу принципга риоя этилишини таъминлаш кредиторлар, инвесторлар, банклар ва кредит муассасалари, мол етказиб берувчилар ва харидорлар каби аудиторлик хулосасидан фойдаланувчилар учун жуда муҳимdir [6].

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган субъектнинг фаолият узлуксизлигини тасдиқлаш учун аудитор молиявий таҳлил усусларидан фойдаланган ҳолда соф активлар сифатини ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириши, қарз маблағларини, айниқса, тўлов муддати келган мажбуриятларни синчковлик билан таҳлил қилиши керак. Мазкур ҳолат корхоналар ўз мажбуриятларини бажариш учун ҳақиқий қобилиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Агар аудиторлик текшируви ўтказилаётган субъект тижорат кредитидан фойдаланса, кредит шартларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва жўнатилган товарлар, хом-ашё, материаллар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар олдидағи қарз ўз вақтида

тўланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Шартномада белгиланган тижорат кредитини тўлаш шартларидан аниқланган четланишлар корхонанинг келажакда узлуксиз фаолиятини давом эттириш қобилиятига шубҳа туғдирадиган молиявий муаммолар мавжудлигидан далолат беради [7].

Таҳлилий амаллар сифатида молиявий таҳлил усусларидан, фаолиятнинг узлуксизлигини фараз қилиш ҳақида далилларни олиш мақсадида иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш, иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш имкониятларидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш ва текширилаётган субъектнинг товарлар, ишлар, хизматлар бозорида ўз ўрнини сақлаб қолиш қобилиятини ошириш учун таҳлилий амалларни қўллаш лозим бўлади. Мазкур таҳлилий амаллар таркибида маркетинг таҳлили муҳим роль ўйнайди.

Аудиторлик текшируvida хўжалик юритувчи субъектнинг меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминланишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ерда меҳнат унумдорлиги ва капитал унумдорлиги кўрсаткичлари ёрдамида улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳам баҳолаш керак. Фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фаразнинг қўлланилишини текширишда аудитор тўплаши керак бўлган далиллар қуйидагилар бўлиши мумкин: кадрлар қўнимсизлигига оид далиллар, корхонада таъминот жараёнидаги узилишлар, ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат унумдорлигининг пасайиши; маҳсулотларнинг доимий ассортименти билан ишлаб чиқаришнинг моддий интенсивлигини ошириш ва бошқалар.



Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдиришда аудитор фаолиятнинг узлуксизлиги принципига риоя қилишга таъсир қилувчи молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа омилларнинг йифиндисини ҳисобга олиши керак. Афсуски, меъёрий хужжатларда бундай жиддий масала бўйича қарор қабул қилишда аудитор эътибор қилиши керак бўлган мезонлар тизими кўрсатилмаган. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашни таҳлил қилиш мезонларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Муайян натижаларга эришишга имкон берувчи тенденцияларни аниқлаш учун таҳлил давомида олинган кўрсаткичларни (нисбатлар, фоизлар ва мутлақ қийматлар) бир қатор олдинги даврлар учун мос келадиган қийматлар билан солишириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда аудитор маълумотлардан фойдаланиши керак бўлган ҳисобот даврларининг оптималь сони қанча бўлиши кераклиги тўғрисида етарлича тасдиқланган фикр мавжуд эмас. Лекин, халқаро амалиётда тўрт йил давомида кўрсаткичларни ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, таҳлил қилинадиган даврлар сонини танлаш тўғрисидаги қарор аудитнинг ўзига хос шартларига ва аудитнинг профессионал мулоҳазасига боғлиқ бўлиши керак. Бироқ, дастлабки аудиторлик текширувида ва молиявий бекарорлик белгилари мавжуд бўлганда, чукурроқ таҳлил қилиш керак.

Мунозара. Корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлилини ўтказиш учун нафақат бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларидан, балки таъсис хужжатларидан, ҳисоб сиёсатидан ва бошқа ҳисоб регистрларидан ҳам фойдаланиш керак. Бундай ҳолда,

аудитор тўлиқлик ва ишончлилик принципларидан келиб чиқиши керак, унга кўра корхонанинг тўлов қобилиятини у ёки бу шаклда тавсифловчи барча хужжатлар таҳлилга жалб қилиниши ва холосалар ҳақиқий далилларга асосланган бўлиши керак. Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- баланс;
- айланма активлар суммаси;
- гудвил ва тугалланмаган капитал қўйилмалар;
- товар-моддий захиралар;
- оддий ва муддати ўтган дебиторлик қарзлари;
- қисқа ва узок муддатли мажбуриятлар,
- тушум ҳамда соф фойда миқдори ва бошқалар.

Мазкур кўрсаткичлар асосида қуйидаги коэффициентлар ҳисобланади:


- мутлақ ва жорий ликвидлик;
- тўлов қобилияти;
- молиявий мустақиллик ва бошқалар.

Аудиторнинг асосий эътибори корхона мажбуриятлари суммаси унинг активлари билан қопланганлиги даражасига қаратилиши лозим. Таҳлилий амаллардан фойдаланган ҳолда молиявий ҳолатни баҳолаш жараёнида қўлланиладиган навбатдаги муҳим кўрсаткич жорий тўлов қобилияти коэффициенти бўлиши керак, мазкур коэффициент сизга корхона томонидан жорий кредиторлик қарзларини даромаддан тўлаш муддатини аниқлаш имконини беради. Аудиторнинг жиддий эътиборини мажбуриятлар таркибидаги муддати ўтган кредиторлик қарзларининг улуши ва жами активлардаги дебиторлик қарзларининг улуши каби кўрсаткичлар ҳам талаб қиласи.

Аудиторлик давомида қарздорнинг текшируви молиявий-хўжалик ва инвестицион фаолияти таҳлил қилинаётган санага нисбатан баҳоланади.



1-расм. Фаолият узлуксизлигини баҳолашни таҳлил қилиш мезонлари¹



2-расм. Молиявий таҳлилда фойдаланиладиган маълумот манбалари²

¹ Муаллиф ишланмаси

² Муаллиф ишланмаси

Таҳлилий амаллар орқали хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларининг норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқлиги текширилади. Аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати таҳлилини ўз ичига олган хужжатларда кўрсатилади [8].

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонанинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун айланма маблағларнинг мавжудлигини тавсифлайди ва ликвид активларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.

Хўжалик субъектларнинг юритувчи молиявий ҳолатини

баҳолашда энг муҳим сифат кўрсаткичи тўлов лаёқати кўрсаткичидир. Корхонанинг тўловгага лаёқати тўлов имкониятларини, яъни унинг ўз мажбуриятларини бажаришга қодирлигини характерлайди.

Ликвидлилик билан тўлов қобилияти бир-биридан фарқ қиласди. Ликвидлилик қарзларни тўлаш учун маблағлар мавжудлигини кўрсатса, тўлов қобилияти қарзни узиш имконияти борлигини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов лаёқати деганда тўлов муддати келган мажбуриятларни қоплашга жорий маблағларнинг етарлилиги ёки етишмовчилиги тушунилади. Куйидаги жадвалда “Ўзданмаҳсолот” акциядорлик компаниясининг тўловгага лаёқатлилиги таҳлил қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

“Ўзданмаҳсолот” АҚ тўлов лаёқатининг таҳлили³

Кўрсаткичлар	Давр бошига	Давр охирига	Фарки, (+,-)	Ўсиш даражаси, %
A	1	2	3	4
1.Узок муддатли активлар (сатр 130)	678 451 378	678 290 635	-160 743	-0,02
2.Жорий активлар жами (сатр 140+190+200 +210+230+320+370+380)	4 886 285 970	4 810 554 765	-75 731 205	-1,55
2.1.Товар-моддий заҳиралари, жами (сатр 150 +160+170+180)	58 870	68 879	10 009	17
2.2.Келгуси давр харажатлари (сатр 190)	1 887	0	-1 887	-100
2.3.Кечикирилган харажатлар (сатр 200)	0	0	0	0
2.4.Дебиторлар жами: (сатр 220+240+250+260 +270+280+290+300+310) шу жумладан:	2 507 751	22 807 772	20 300 021	809,49
2.4.1.Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлари (сатр 211)	0	0	0	0
2.5.Пул маблағлари, жами (сатр 330+340+350 +360)	1 762 067	30 615 487	28 853 420	1637,47
2.6.Қисқа муддатли инвестициялар	4 881 955 395	4 757 062 627	-124 892 768	-2,56
2.7.Бошқа жорий активлар	0	0	0	0
2.8.Баланс активи бўйича жами (сатр 130+390)	5 564 737 348	5 488 845 400	-75 891 948	-1,36
3.Жорий мажбуриятлар (сатр 610+620+630 +640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760) шу жумладан:	4 851 160 387	4 740 451 743	-110 708 644	-2,28
3.1.Муддати ўтган кредиторлик мажбуриятлари (сатр 602)	0	0	0	0
4.Мутлақ тўлов лаёқати (2.5+2.6+2.7) / (3-3.1)	1,00671	1,00996	0,00325	0,32
5.Оралиқ тўлов лаёқати (2.5+2.6+2.7+2.4-2.4.1) / (3-3.1)	1,00723	1,01477	0,00755	0,75
6.Жорий, умумий тўлов лаёқати (2.5+2.6+2.7+(2.4-2.4.1)+2.3+2.2+2.1) / (3-3.1)	1,00724	1,01479	0,00755	0,75

³ “Ўзданмаҳсолот” АКнинг 2021 йил молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Юқоридаги жадвалдан күриниб турибдики, “Ўздонмаҳсулот” АКнинг мутлоқ тўлов лаёқати унинг қисқа муддатли мажбуриятларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларини характерлайди.

Корхонада мутлақ тўлов лаёқати 1,00671 дан 1,00996 га ошган, оралиқ тўловга қобиллик 1,00723 дан 1,01477 га кўтарилиган, жорий, умумий тўловга қобиллик 1,00724 дан 1,01479 га кўтарилиган. Корхона тўлов лаёқатининг барча кўрсаткичларини нормага нисбатан ижобий баҳолаш мумкин.

Хулоса. Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар аудитини ўтказишида таҳлилий амалларни қўллаш бўйича куйидаги хулосалар ҳамда таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мажбуриятлар аудитини ўтказиши молиявий ҳисоботда акс эттирилган мажбуриятлар суммаларини объектив эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бунда далилларни олиш усувлари бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилий амаллар тизими доирасида бухгалтерия ҳисоби орқали ҳосил қилинган аналитик маълумотларга асосланади. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг самарали ташкил этилган тизими корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш, уни янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ишончли ва тезкор ахборот базасини ташкил қиласди. Шундай қилиб, аналитик маълумотлар оператив, тактик ва стратегик мақсадларда ишлатилиши мумкин. Функционал куйи тизимларни ягона бухгалтерия ва таҳлилий тизимга бирлаштириш иктиносидий маълумотларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш нұқтаи назаридан мухимдир.

2. Аудиторлик текширувларини ўтказиши давомида таҳлилий амалларни қўллаш ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида мажбуриятлар аудитида таҳлилий амалларни қўллаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида учрайдиган хато ва камчиликларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлаш ва уларни олдини олишга қаратилган аудитор хатти-харакатлари мақолада таҳлил қилинган. Мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишида хўжалик юритувчи субъектларда фирибгарлик ҳолатларини олдини олишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва фаолият узлуксизлиги таъминланишига, аудиторлик текширувлари учун сарфланадиган меҳнат ва вақт харажатларини қисқартиришга хизмат қиласди.

3. Иктиносидий жараёнларни амалга ошириш ва бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларда ва ундан ташқарида муносабатларнинг пайдо бўлиши, бошқача айтганда, ҳар бир корхонада ҳисоб-китоблар, пудратчилар олдида қарзлар ва муайян мажбуриятларга эга бўлиши мумкин. Тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг ўз вақтида тўланиши, мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва сифатли бажарилиши корхонанинг ишбилармонлик обрўсини, унинг юқори даражаси ва тўловга лаёқатлиигини, шунингдек молиявий барқарорлигини тавсифлайди. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятларнинг юзага келиши, уларнинг салмоғи, уларнинг жалб қилинган капиталдаги улуши ва самарали бошқарувни амалга ошириш жараёнида мухим аҳамиятга эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Hirst, D., & Koonce, L. (1996). Audit analytical procedures: A field investigation. *Contemporary Accounting Research*, 13(2), 457–486.
2. Appelbaum, D., Kogan, A., & Vasarhelyi, M. A. (2017). Big data and analytics in the modern audit engagement: Research needs. *Auditing: A Journal of Practice & Theory*, 36(4), 1–27.



3. Ochilov F. ECONOMIC ESSENCE OF LIABILITIES AND THEIR THEORETICAL ASPECTS IN ACCOUNTING //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 4. – С. 28.
4. Т.Ю. Дружиловская. Учет обязательств организаций: проблемы и пути решения. Бухгалтерский учет в издательстве и полиграфии. 4 (2016) 35–41.
5. Auditing and Assurance Standards and Guidance. ISA (UK) 500, Audit Evidence, paragraphs 7-9.
6. Панкова С.В. Применение аналитических процедур при проведении обзорной проверки финансовой отчетности // Сибирская финансовая школа. 2011. № 3 (86). С. 82-84.
7. Панкова С.В., Прокопьева Ю.В. Сущность, классификация и особенности применения аналитических процедур в аудиторской деятельности. // Международный бухгалтерский учет. 2012. № 45. С. 33-41.
8. Israpilovich, Khayitboev Muhammadi, and Ochilov Farkhodjon Shavkatjonovich. "PROBLEMS IN CONDUCTING INVENTORY AUDIT AND WAYS TO ELIMINATE THEM." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.4 (2023): 84-90.
9. Nematovich K. I. et al. Accounting of Provisions and its Prospects for Application in Uzbekistan //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 51-57.
10. Nematovich K. I., Ravshanovich A. I., Shavkatjon O. F. Customer Accounts Creation By Means Of Foreign Experience //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Т. 12. – №. 7.